



Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy jurnal

MUASSISLAR: Beruniy tuman hokimligi
"Tafakkur-tamaddun" OOO

"Beruniy avlodlari" jamoat fondi

HAMKORLARIMIZ:

O'zRFA Qoraqalpog'iston bo'limi

Qoraqalpoq davlat universiteti

Urganch davlat universiteti

TAHRIR HAY'ATI:

BOSH MUHARRIR:

Munavvara QURBONBOYEVA

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI:

Anvar ALLAMBERGENOV

BO'LIM MUHARRIRI:

Muqaddas KURBANBAYEVA

Akmal SAIDOV, y.f.d., prof., akad.

Qahramon QURONBOYEV, s.f.d., prof.

Almagul BAYRIYEVA, s.f.d., (DSc)

Zabixulla SAIPOV, s.f.n., (PhD)

Zuhra REYMOVA, y.f.d., (DSc)

Karlig'ash UMAROVA, y.f.d., (DSc)

Xalil Ismayil o'g'lu Ismayilov, t. f.d, prof

Anvar ABDULLAYEV, t.f.f.d, dots.

Gavhar DURDIYEVA, arx.f.d., prof.

Makset KARLIBAYEV, t.f.d., k.i.x.

Kozimbek TUXTABEKOV, t.f.d., (PhD)

Umid BEKMUHAMMAD, t.f.d., (PhD),k.i.x.

Konul Bunyadzoda, falsafa fanlari dokтору,

Azərbaycan Milli Elmlər Akademiyasının

(AMEA) müxbir üzvü

Baxtiyor KARIMOV, fal.f.d., prof.

Marat NIYOZIMBETOV, fal.f.d.

Alima BERDIMURODOVA, fal.f.d.

Shohida SODIQOVA, sots.f.d.

Zarifboy DO'SIMOV, fil.f.d., prof.

Olmos ULVI Binnatova, f.f.d., prof.

Doniyor YULDASHEV, fil.f.d (DSc)

Sayyora SAMANDAROVA, fil. f.n, dotsent

Bekposhsha RAXIMOVA, fil.f.n, dots (PhD)

Azamat PRIMOV, fil.f.n, dots (PhD)

Vahob RAHMONOV, f.f.n.,dots

Farrux Abbas o'g'lu Rustamov, p.f.d, prof.

Qozoqboy YO'LDOSHEV, p.f.d., prof.

Safo MATJONOV, p.f.d., prof.

Qaxramon IBADULLAYEV, p.f.d., (DSc)

Masharib ABDULLAYEV, s.f.f.d., (PhD), k.i.x.

Nilufar KOSHANOVA, ped.f.f.d., (PhD)

Odilbek RADJAPOV, fal.f.f.d., (PhD)

Anvar ISMOILOV, s.f.f.d., (PhD),k.i.x

G'ayrat MAMBETKADIROV, s.f.d.

Rana Hamid qızı Qadirova, psixol.f.d., prof

Nargis ATABAYEVA, psixol.f.d., (DSc)

Dilafuz QARSHIYEVA, psixol.f.d., (DSc)

Dilbar URAZBAYEVA, psixol.f.d., (DSc)

Qosimboy QABULOV, psixol.f.d., (DSc)

Mels QOBULOV, tib.f.d., prof.

JAMOATCHILIK KENGASHI:

Sirojiddin SAYYID

Muhammad ALI

Kengesboy KARIMOV

Iqbol MIRZO

Qurbon SHONIYOZOV

O'rozboy ABDURAHMONOV

Murotboy JUMANOV

Adabiy maslahatchi:

Guliston MATYOQUBOVA

Rassom:

Alibek ABDURAHMONOV

Sahifalovchi-bezovchi: G'iyosiddin O'NAROV

Manzilimiz: Qoraqalpog'iston Respublikasi,

Beruniy tumani.

Web-sayt: <https://jurnal.tamaddunnuri.uz>

e-mail: tamaddunnuri1@gmail.com.

Telegram kanali: <https://t.me/tamaddunnuri>

Tel.: (+99888) 036 00 55, (+99897) 355 75 40.

Qog'oz bichimi 60x84 ¼. Nashriyot hisob tabog'i 6,5.

Indeks – 960. ISSN 2181-8258. "ADAD PLYUS" MCHJ

bosmaxonasida chop etildi. Adadi 300 dona.

Bosishga 2024-yil 31-iyulda ruxsat etildi.

Toshkent shahri, Chilonzor ko'chasi, 28-uy. 2024-yil, 7-son (58).

Ushbu son "Tamaddun nuri" jurnali tahririyatining kompyuterida sahifalandi. Buyurtma №23.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Tamaddun nuri" dan olindi deb izohlanishi shart. Matn hamda reklamalardagi ma'lumotlarning to'g'riligi uchun mualliflar mas'uldir. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar tahrirlanadi, taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.



"Tamaddun nuri" jurnali Google Scholar

bazasida indekslanadi. Bu esa jurnalning ilmiy nufuzini oshirish va mualliflarning ilmiy ishlarini keng miqyosda targ'ib qilishga yordam beradi. Google Scholar orqali tadqiqotchilar va olimlar "Tamaddun nuri" jurnalida chop etilgan maqolalarni qidirib topish va ularga havola berish imkoniyatiga ega bo'lishadi.



Crossref DOI

Tahririyat Crossref DOI ning rasmiy a'zosi hisoblanadi va 10.69691 DOI prefiksiga ega. Har bir nashr va ilmiy maqolaga individual Crossref DOI raqami beriladi.

BIZNI IJTIMOY TARMOQLARDA QUIYDAGI MANZILLARDA KUZATING:



12.00.00 – “YURIDIK FANLAR”

Muhammadiyev Bahromjon Qodirjon o'g'li. Shaxs ijtimoiy tarmoqdagi sahifasi orqali axborot ulashayotganda nimalarga e'tibor berishi kerak	141
Адилбаев Бекбосын Абатбаевич. Фуқаролик ҳуқуқида вакилликни турларга бўлиш мезонларининг умумий тавсифи.....	217
Хайитов Оғ'абек Егамберди о'ғ'ли. Yangi O'zbekistonda jinoyatchilikning oldini olishda huquqiy ong va huquqiy madaniyatning o'rne.....	241

13.00.00 – “PEDAGOGIKA”

Xujaniyozova Oygul Rajabovna. Maktab o'quvchilarning kreativ kompetentlikini shakllantirish mezonlari.....	49
Hamidova Laylo Kamildjonovna. Bo'lajak o'qituvchilarda metodik tayyorlikni rivojlantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari.....	59
Begimqulov Zarif Axmadovich. Sport ta'lim muassasalari tarbiyachilarining uzluksiz malakasini oshirish - dolzarb pedagogik muammo sifatida...	69
Sharipova Shaxnoza Xasanovna. Innovatsion texnologiyalardan foydalanishning rivojlanish tendensiyalari.....	75
Shukurullayeva Nodira Qahramon qizi. Boshlang'ich sinflarda tutuq belgisini o'rgatish darslariga innovatsion va integratsion yondashuv.....	116
Matyakubova Nuriya Azimbayevna. Xalqaro baholash dasturlariga tayyorlashga oid ilg'or xorijiy tajribalar tahlili (PIRLS va TIMSS misolida).....	121
Tilavova Minavar Durdiyevna. Pedagogik ta'lim jarayonida talabalar kompozitsion-mantiqiy nutqini rivojlantirish metodikasi.....	125
Yakubbayev Murodilla Marufovich. O'quv materiallarni tanlash va tizimlashtirishning talabalarda lingvomadaniy kompetensiyani oshirishdagi o'rne.....	186
Абубакирова Нодирабегим Рафисовна. Методы формирования самообразовательной компетентности учителей английского языка в Великобритании.....	189
Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich. Auditoriya mashg'ulotlarida bo'lajak rejissorlarning kasbiy kompetentligini adabiy asarlar asosida rivojlantirish usullari.....	204
Yuldoshev Bobir. Refleksiv kompetensiyasini shakllantirishda nazariy yondashuvlar.....	221
Yusupov Rajab Rasul o'g'li. Chet tili o'qituvchilarining kasbiy kompetentligi tushunchasining ilmiy-nazariy tadqiqi.....	224
Tojibayeva Nazokatxon Qobiljonovna. Ayollar tizimida performativ yondashuv orqali hamkorlik kompetentligini rivojlantirishning afzalliklari..	255
Xodjaniyozov Sardor Umarovich, Атамуродова Азиза Султанмуродовна. Talabalar mediakompetentligini rivojlantirishda axborot-resurs markazi pedagogik imkoniyatlaridan foydalanishning metodik jihatlari.....	285
Tojiboyeva Shoxistaxon Komiljonovna. Bo'lajak xorijiy til o'qituvchilarining informatsion-analitik kompetentligini rivojlantirish metodikasi.....	291

19.00.00 – “PSIXOLOGIYA”

Ishonkulova Norbiye Islamovna. Oilada destruktiv nizolar namoyon bo'lishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari.....	46
Murtazayeva Shaxloxon Muzaffar qizi. Oilaviy muhitda gender tenglikni ta'minlashning yoshlar muomala madaniyatiga ta'siri.....	66
Курбанбаева Муқаддас Қозибаявна. Гаджетлар ва уларнинг бола психикасига таъсири.....	302

ГАДЖЕТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ПСИХИКАСИГА ТАЪСИРИ

Муқаддас Курбанбаева Козибаевна
Беруний педагогика коллежи “Мактабгача таълим”
кафедраси етакчи ўқитувчиси

GADGETS AND THEIR INFLUENCE ON CHILDREN'S PSYCHOLOGY

Mukaddas Kurbanbaeva Kozibaevna
Leading teacher of the "Preschool Education"
department of the Beruni Pedagogical College

ГАДЖЕТЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ДЕТСКУЮ ПСИХОЛОГИЮ

Муқаддас Курбанбаева Козибаевна
Ведущий преподаватель кафедры «Дошкольное
образование» Берунийского педагогического колледжа



<https://orcid.org/0009-0005-7245-273X>

qurbanbayevamuqaddas9@gmail.com

+99897 355 75 40

Аннотация: Ушбу мақолада боғча ёшидаги даврда гаджетлардан фойдаланишнинг бола психикасига салбий ва ижобий таъсири ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: гаджетлар, қизиқиш, эҳтиёж, билим, кўникма, анализатор, тактил, виртуал.

Abstract: This article discusses the negative and positive impact of using gadgets on the psyche of a child at kindergarten age.

Key words: gadgets, interest, need, knowledge, habit, analyzer, tactile, virtual.

Аннотация: В данной статье говорится о негативном и положительном влиянии использования гаджетов на психику ребенка в детском возрасте.

Ключевые слова: гаджеты, интерес, потребность, знания, навык, анализатор, тактильный, виртуальный.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Инсон онтогенезининг 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даври боғча ёши даври ёки мактабгача ёш даври ҳисобланади. Бугунги кунда мактабгача ёш даврида болаларнинг ўзлаштиришлари мумкин бўлган билим ва кўникмаларини ошириш учун мактабгача таълимга берилаётган катта эътиборни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асл мақсади мамлакатимизда ҳукукий демократик жамият яратиш, Ўзбекистонни ривожланган давлатлардан бирига айлантириш, бир сўз билан

айтганда, тараққиётимиз даражасини оширишдан иборат. Бунинг учун, албатта, замонавий халқаро стандартлар асосида таълим тизимини ривожлантириш зарур бўлади. Мамлакат тараққиётини ҳар доим кадрлар ҳал қилиб келган. Биз буни жаҳон тарихидан ўрганишимиз мумкин¹. Мамлакатимизда йўлга қўйилган узлуксиз таълимнинг дастлабки бўғини мактабгача таълим бўлиб ҳисобланади. Мактабгача таълим — мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал рухий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини

¹ Курбанбаева Мунаввара. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил ишлар бажаришнинг малакасини шакллантиришнинг аҳамияти.

(2024). TAMADDUN NURI JURNALI, 5(44), 95-96. <https://doi.org/10.69691/9fenej09>

кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараё². Ушбу даврда болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини ҳосил қилишга қаратилиши лозим. Шунинг билан бирга болаларнинг ўз хоҳиш истакларини, қизиқишларини ҳам ҳисобга олмоқ зарур.

Айниқса, бугунги ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлагига айланиб улгурган гаджетлардан нафақат катталар, балки кичкинтойларимиз ҳам фойдаланишни истайдилар. Ҳозирги кунда замонавий хонадонларимизни бир нечта телевизор, компьютер, планшет, смартфонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу алоқа алмашув, дунёда бўлаётган хабарлардан дақиқалар ичида хабардор бўлиш имкониятини беради. Бу масаланинг ижобий томони бўлса, салбий томони - бунда монитор сони кўплигидан беихтиёр оиланинг ҳар бир аъзоси бошига 1-2 тадан гаджет тўғри келиб, ҳатто энг кичик ёшдаги (0-2 ёш) болажон ҳам гаджетдан фойдаланишидир. Ушбу гаджетлардан оқилона фойдалана оляпмизми, умримизнинг ҳар бир дақиқаларини сарфлаётган эканимизда келгуси авлодга қандай ижобий ўрناق кўрсата оляпмизу, қайси салбий томонларига «кўз юмпмиз».

Болажонларимиз психологиясининг ривожланишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасининг мумкин қадар чуқурроқ билишга тиришади. Бинобарин, узок вақт давомида қизиққан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу эса, ўз навбатида, боланинг диққати, иродаси каби муҳим психик жараёнларини ривожлантириш ҳамда мустақамлашга ёрдам беради. Болаларда бирор соҳага нисбатан барвақт юзага келган қизиқиш келажакда уларнинг шу соҳани яхши эгаллашлари учун қандайдир тайёргарлик ролини ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР (ЛИТЕРАТУРА И

МЕТОД / MATERIALS AND METHODS)

Ушбу мавзунини ёритишда ёш авлоднинг таълим ва тарбияси билан боғлиқ психологик муаммолар билан шуғулланган турли даврдаги йирик олимлар, файласуф ва ёзувчиларининг тарбия тўғрисидаги қарашлари ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган кўрсатмалари ва методларидан фойдаланилди. В.Н.Татишев, А.Н.Радишев, Н.И.Новиков ва бошқаларнинг асарларидаги дастлабки қарашлари ҳам психик тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари, психик ривожланишдаги тафовутлар билан йўғрилгандир. А.Н.Радишев биринчилар қатори бола психик тараққиётини табиий-илмий йўсинда асослаб беришга уринди. Ёзувчининг фикрича, инсон ташқи муҳит ҳақидаги таассуротларини сезгилар орқали идрок этади, шу йўсинда унинг тафаккури, улғайиб шаклланади. Тадқиқот мавзумиздан келиб чиқиб айтамызки, гаджетларнинг таъсири: анализаторларимизнинг ишини оладиган бўлсак, сезги ва идрок этиш орасидаги боғлиқлик бузилганини кўрамиз. Эшитган ва кўрган нарсамизни идрок этишимиз зарур, айниқса болалик ёшимизда. Ниманидир идрок этиш учун у билан бевосита алоқада бўлиш лозим (тактил, ҳидлов, эшитув), виртуал дунё буларни бермайди. Бу анализаторларнинг боланинг илк ривожланиши даврида аҳамияти катта.

Н.И.Новиков башарият фаровонлигини кўзлаб, ёшлар ва болалар ўртасида фойдали билимларни кенг тарғибот этиш учун уларни ўзига хос йўсинда тарбияламоқ зарур деб айтади. Унинг асарларида инсоннинг камолоти учун тафаккур, хотира, ахлоқ, ҳис-туйғу ва тақлидчанлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Тақлидчанлик болаларга хос экан юқоридаги техник воситалардан фойдаланишда ота-оналар, тарбиячилар ҳам бирдек намуна кўрсатишлари, кам вақтларини шу воситалар олдида ўтказишлари керак, урғуни фарзанд тарбисига қўйишлари керак, деб ҳисоблаймиз.

Болаларнинг турли гаджетлар олдида қолдириб қўймасдан, улар билан кўпроқ табиат

² Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. 2018й, 18 июнь.

олдида бўлишларига эришиш керак. Ушбу нуқтаи назардан, Мария Монтессори методикаси хали ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган деб айтиш мумкин. М.Монтессори фикрича, болаларни табиатга ўргатиш жуда тарбиялашнинг ажойиб воситаси. Бу методика болаларнинг табиий муҳитдаги фаолиятларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Қуйидаги йўллар билан буни амалга ошириш мумкин:

1. **Табиатдаги ўйинлар:** Болаларни табиатда ўйин ўйнашга рағбатлантириш. Бу уларнинг сенсор ва моторик қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради.
2. **Табиатни кузатиш:** Болаларни табиатни кузатишга олиб чиқиш. Улар ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиатнинг бошқа элементларини ўрганишлари мумкин.
3. **Табиат билан боғлиқ фаолиятлар:** Болаларга табиат билан боғлиқ фаолиятлар, масалан, боғдорчилик ёки табиатдаги материаллардан ҳунармандчилик ишларини бажариш имкониятини бериш.
4. **Табиатга саёҳатлар:** Болаларни табиатга саёҳатларга олиб чиқиш. Бу уларнинг табиатга бўлган қизиқишларини оширади ва уларни табиатни ҳимоя қилишга ўргатади.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Охириги ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, айнан шундай «электрон экран»лардан тартибсиз фойдаланиш натижасида «Виртуал аутизм» деган касаллик келиб чиқди. Биринчи бўлиб бу касалликни психолог Мариус Замфир номлади ва клиникасини ёритиб берди. Нима учун айнан «Виртуал аутизм»? Сабаби унинг белгилари аутизм белгилари билан идентик равишда бир хил. Амалиётда аутизм ва виртуал аутизмни бир-биридан фарқлаш қийин. Фақат анамнез (йиғилган ҳаёт ва касаллик тарихи) натижасидагина касалликка тўғри ташҳис қўйиш мумкин.

Аутизм белгилари:

- Ижтимоий муносабатларга кириша олмаслик;
- Кўз орқали контактнинг йўқлиги;

- Нутқ ривожланишдан орқада қолиши;
- Бошқа болалар билан ижтимоий ўйинларга кириша олмаслик.

Мана шу белгилар боланинг ҳар кунги 4-5 соатлик монитор (ТВ, смартфон, планшет, компьютер билан) алоқада бўлиши билан бирга кечади.

Касаллик 80% ҳолларда ўғил болаларда кўпроқ кузатилади. Классик аутизмда деструкция неврологик асосга эга бўлган биологик факторлар билан боғлиқ бўлиб, жараён қайтмас характерга эга. Миянинг ушбу соҳаларида синапслар қайта ҳосил бўлмайди. Виртуал аутизмда эса нейрон ривожланиши лозим бўлган соҳаларининг стимуляция бўлмаслиги ҳисобига нутқнинг ривожланмаслиги ва бошқа белгилар юзага келади. Бу жараён қайтар ҳисобланади.

Аутизм марказининг статистикасига кўра:

- 1975 йилда 5000 боладан 1 тасига аутизм ташҳиси қўйилган
- 2005 йилда 500 боладан 1 тасида
- 2014 йилда эса 68 боладан 1 тасида аутизм аниқланган.

2008 йилда Американинг Педиатрия академияси қуйидаги тавсияларни берди: 3 ёшли болаларга мультимедиа технологиялари ва курилмаларига яқинлашиш имкониятини тўлиқ чеклаш, 4-6 ёшли болаларга кунига 1 соатдан ортиқ рухсат бермаслик, 6-12 ёшдагиларга эса максимум 2 соатгача рухсат бериш тавсия қилинди.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, экран олдида ўтказилган вақтда мия ривожланмайди ва яшаши лозим бўлган ижтимоий муҳитда яшалмайди. Болалар мияси турли хил ижтимоий боғлиқликлар ҳисобига ривожланади, яъни ушлаб кўриб, ҳидлаб кўриб ва бошқалар. Натижада болада ёшига мос ривожланиши керак бўлган кўникмалар ривожланмайди. Экранлардаги шовқин ва ёрқинликлар бола эътиборини тортади, ҳатто мультфильмлар ҳам болада негатив оғриқли ҳиссиётларни чақиритиши, у эса ўз навбатида болада агрессив хулқни намоён қилиши мумкин.

НАТИЖАЛАР (РЕЗУЛЬТАТЫ / RESULTS)

Психология нуқтаи назаридан қараганда, одатлар ўз моҳияти жиҳатидан эҳтиёжга яқин нарсалардир. Бошқача қилиб айтганда, турлича одатлар кундалик ҳаётда такрорлана бериши

натижасида вужудимизга жуда сингиб кетиб, эҳтиёжга айланиб қолади. Шунинг учун болаларда ижобий ва фойдали эҳтиёжларни тарбиялаш деганда уларда ижобий ва фойдали одатларни ҳосил қилишни тушунамиз. Боғча ёшидаги даврда ҳосил қилинган мустаҳкам ижобий одатлар (эҳтиёжлар) кишининг бутун умри давомида сақланиб қолади. Боғча ёшидаги болаларнинг психик жиҳатдан ривожланишларида қизиқишнинг ҳам роли ғоят каттадир. Қизиқиш, худди эҳтиёж каби, болани бирор фаолиятга ундовчи (ҳаракатга солувчи) омиллардан биридир. Қизиқиш деганда, биз воқеликдаги нарса ва ходисаларни бирмунча чуқурроқ билишга қаратилган махсус интилишни тушунамиз. Демак, қизиқиш билиш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳар бир шахснинг мураккаб сифатидир. Боғча ёшидаги болалар ҳамма нарсаларга бирдек қизиқа бермайдилар. Улар айрим нарсаларга кўпроқ, бошқа бир нарсаларга камроқ қизиқадилар. Лекин боғча ёшидаги болаларнинг қизиқишлари катта одамлардаги каби бир нарсага нисбатан қатъий ҳамда мустаҳкам бўлмай, бир нарсадан иккинчи бир нарсага тез-тез ўтиб туради. Бундан ташқари, боғча ёшидаги болаларнинг қизиқишлари жуда тарқоқ ва юзаки бўлади. Улар нарса ва ходисаларнинг моҳияти ёки натижаларига эмас, балки шу нарса ва ходисаларнинг ўзигагина қизиқадилар. Шу сабабли боғча ёшидаги болаларда асосан беқарор ва бевосита қизиқишлар устун туради. Тарбиячи боғчада турли машғулотлар, экскурсиялар, суҳбатлар ўтказиш ва китоблар ўқиш бериши ва болаларда марказлашган барқарор қизиқишларни юзага келтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Тарбиячининг педагогик-психологик билим даражаси, ахлоқ-одоби ва шахсий сифатлари олти ёшли болаларга таълим ва тарбия бериш учун лойиқ бўлганда у 6-7 ёшли болаларни ўқитиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам 6-7 ёшли болалар, уларни қабул қиладиган мактаблар ҳамда бу болаларни ўқитадиган тарбиячилар педагогик-психологик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида диагностика

қилиниши ва шундан кейингина таълим жараёнига киритилиши керак³.

Тарбиячилар болаларга гаджетлардан фойдаланиш қоидаларини ўргатмасликлари мумкин эмас, чунки бу болаларнинг соғлом ривожланиши ва хавфсизлиги учун муҳим. Қоидалар ва назорат болаларнинг гаджетлардан фойдаланишини мувозанатли ва хавфсиз қилишга ёрдам беради. Бу ерда баъзи сабаблар бор:

1. **Соғлиқ ва хавфсизлик:** Гаджетлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш кўз ва бош оғриғи, ҳамда уйқусизликка олиб келиши мумкин. Қоидалар болаларнинг соғлигини ҳимоя қилишга ёрдам беради.
2. **Ижтимоий кўникмалар:** Гаджетларга ҳаддан ташқари кўп вақт сарфлаш болаларнинг ижтимоий кўникмаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилиши мумкин. Қоидалар болаларни ижтимоий фаолиятларга жалб қилишга ёрдам беради.
3. **Мазмун назорати:** Интернетдаги барча мазмун болалар учун мос эмас. Қоидалар ва назорат болаларни номақбул мазмундан ҳимоя қилишга ёрдам беради.
4. **Жисмоний фаоллик:** Гаджетлардан фойдаланиш болаларнинг жисмоний фаоллигини камайтиради. Қоидалар болаларни жисмоний фаолиятларга жалб қилишга ёрдам беради.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Тарбиячилар болаларга гаджетлардан фойдаланиш қоидаларини ўргатишлари ва уларнинг фаолиятини назорат қилишлари болаларнинг соғлом ва мувозанатли ривожланиши учун муҳим. Тарбиячилар болаларни гаджетлардан ҳимоялаш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор беришлари керак:

1. Вақтни назорат қилиш:

- **Вақт чегаралари:** Болаларнинг гаджетлардан фойдаланиш вақтига чегаралар қўйиш. Масалан, кунлик 0,5-1 соатдан ошмаслиги тавсия этилади.

³ M.Kurbanbayeva. BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA SIFATLI VA SAMARALI TAYYORLASH. (2024). TAMADDUN NURI JURNALI, 4(55),

425-428. <https://doi.org/10.69691/wnanmp84>

- **Танаффуслар:** Узоқ вақт гаджетлардан фойдаланганда танаффуслар қилишни ёдга солиш.
- 2. Мазмунни назорат қилиш:**
- **Ёшга мос мазмун:** Болалар фойдаланадиган дастурлар ва веб-сайтларнинг ёшига мослигини текшириш.
 - **Филтрлар:** Интернет филтрлари ва болалар назорати дастурларидан фойдаланиш.
- 3. Жисмоний фаолликни рағбатлантириш:**
- **Фаолиятлар:** Болаларни жисмоний фаолиятлар, спорт ва ўйинлар билан машғул қилиш.
 - **Ташқи фаолиятлар:** Болаларни кўпроқ ташқи фаолиятларга жалб қилиш.
- 4. Ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш:**
- **Ижтимоий фаолиятлар:** Болаларни дўстлари ва оила аъзолари билан кўпроқ вақт ўтказишга рағбатлантириш.
 - **Гуруҳ ишлари:** Болаларни гуруҳ ишларига жалб қилиш, масалан, жамоавий ўйинлар ёки лойиҳалар.
- 5. Моделлаштириш:**
- **Намуна бўлиш:** Тарбиячилар ўзлари ҳам гаджетлардан фойдаланишда намуна бўлишлари керак. Болалар катталарнинг хатти-харакатларини кўпинча такрорлайдилар.
- 6. Мулоқот:**
- **Сухбатлар:** Болалар билан гаджетлардан фойдаланиш хақида мунтазам сухбатлашиш ва уларнинг фикрларини эшитиш.

- **Қоидаларни тушунтириш:** Болаларга қоидаларнинг аҳамиятини тушунтириш ва уларни амалга оширишда ёрдам бериш. Ўйлаймизки бу тавсиялар болаларнинг гаджетлардан фойдаланишини мувозанатли ва хавфсиз қилишга ёрдам беради, катталарни янада масъулиятли бўлишларига ундайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА/ REFERENCES):

1. N. Ismoilova, D. Abdullayeva. *Ijtimoiy psixologiya*. O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Toshkent — 2013.
 2. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. 2018й, 18 июнь.
 3. Оила психологияси фанидан дарслик. Профессор Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. Тошкент-2011.
 4. Курбанбаева Мунаввара. Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил ишлар бажаришнинг малакасини шакллантиришнинг аҳамияти. (2024). *TAMADDUN NURI JURNALI*, 5(44), 95-96.
<https://doi.org/10.69691/9fenej09>
 5. Kurbanbayeva Muqaddas. BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA SIFATLI VA SAMARALI TAYYORLASH. (2024). *TAMADDUN NURI JURNALI*, 4(55), 425-428.
<https://doi.org/10.69691/wnanmp84>
- Интернет манбалар:
6. <https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/> bizning-faoliyatimiz
 7. <https://t.me/bolalarpsixologiuз>

